

## АБСТРАКТ САНЪАТНИНГ РУҲИЯТГА ТАЪСИРИ

А. Сатторов  
1-курс магистранти

Тасвирий санъат - унинг инсон онгига таъсири даражаси қанчалик даражада эканлигини тасаввур қилиб курганмисиз? Асарнинг бадиий ечими рҳиятни қанчалар тинчлантириб ёхуд жунбушга келтириб, остин-устун қилиб юбориши мумкинлигини англаган бир неча олим-у мусаввирлар ундан қандай тақлидда фойдаланганлари аксариятимизга номаълум. Тасвирий санъатдаги рангтасвир йўналиши азалдан ер юзидаги барча халқларга миллатидан, динидан, эстетик маданиятидан қатъий назар, уларнинг қалбига, руҳий оламига чегара билмас даражада ўз таъсирини ўтказиб келмоқда ва бу таъсир ранг тасвир санъатининг кубизм, абстракционизм каби йўналишларда ўз аксини топган. Ҳозирги кунга келиб бўлажак ёш мусаввирлар ўз лаёқатсизликларини тан олмаган ҳолда, муаммони таълим даражасига йўйиб, йўналишнинг қай бири муҳимроқ, модернизм (абстракт) санъат йўналишими ёки академик рангтасвирми деган саволни ўртага ташлаб, ноўрин баҳс олиб боришмоқда. Вахоланки, юқоридаги йўналишларнинг ҳар қайсиси ўз ўрни ва таъсир даражасига эгадир. Зеро, мутаффаккирлар айтганидек, «ёмон йўналиш йўқ балки, ёмон ижодкорлар мавжуддир». Ўтмишда буюк мусаввирлар томонидан руҳиятга таъсир этадиган шундай асарлар яратилганки, бу асарлар таҳлил қилиниш жараёнида ҳозирги кунгача уларнинг янги ва янги қирраси ва таъсир даражаси намоён бўлиб келмоқда. Бутун оламни ўзида мужассам этган санъат асарлари ичида онгли равишда адашиб қолиш, эс-ҳушдан айрилиш хатто, ҳушдан кетиш ҳолатлари ҳам кузатилган. Сабаби ҳар бир асар ўз салбий ва ижобий таъсир кучига эгадир. Бу ҳол И.Репин асари қаршисида турган томошабинларда бир неча бор кузатилган. Репиннинг машҳур «Иван Грозний ва унинг ўғли Иван» асарини намоёйиш этган дамда, асар залдаги томошабинларни шу даражада ўз ичига қамраб олганки, томошабинлар ўзларини қотиллик содир этилган хона ичида тургандек ҳис қилишган. Шу

жумладан Малеевичнинг «Қора квадрат»и ҳеч қандай жумбоқ ёки чуқур фалсафий ечимга эга эмас, балки мусаввир қора квадрат ичидаги ранглардан моҳирона фойдаланганки, у ўз томошабинига руҳий қувват билан таъсир ўтказди. Валерий Василевич Рязанов таъкидлашича, мусаввир ижод жараёнида унинг фалсафаси, ички кечинмалари, феъл-атвори, руҳий ҳолати қандай бўлса, асар ҳам ўз томошабинига худди шу ҳолатни етказиб беради. Асарларнинг биолокатцияси даражаси устида анча йиллардан бери иш олиб бораётган Анатолий Изитович Бабанов таъкидлашича, баъзи асарларнинг таъсири шу даражада салбий бўлиб, асар осифлик турган хона эгасини бетоб қилиши ва ҳаттоки ўлимгача олиб бориши мумкин. Шу ўринда президентимиз И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият енгилмас куч» асарларида шундай дейдилар «Маълумки, ҳар қандай касалликни олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгига мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин.»<sup>1</sup>

Инсоният онгига тасвирий санъат қандай кириб келади ёки намоён бўлади? Бу ҳол у ҳали дунёга келмасданоқ унинг ота-онаси савияси даражасига қараб ривож топади. Ва нихоят дунёга келган гудакнинг онгида биринчи навбатда тасвирий санъат психик ечимлар ва тасаввурлар кўринишида намоён бўла бошлайди. Бола онгидаги ижодкорлик даражаси шу қадар юксакки, афсус бу даврда бу юксакликни намоён қилишда унда моҳорат йўқ бўлади. Тарихдан маълумки, буюк мутаффақир олимлар ўз ютуқларига ва кашфиётларига айнан ижодкорлик қобилияти ёрдамида эришганлар. Шундай экан, бола онгидаги ижодкорлик ва буюкликни кечиктириб ёки йуққа чиқармасдан, ўз вақтида баҳолаш ва туғри йўналтирмоқ лозим.

Ғарбда шиддат билан ривожланиб, турли йўналиш-у кўринишларда ўз аксини топиб, бизгача етиб келаётган ранг тасвир санъати бизга Чор Россия томонидан бир қатор рассомлар ижоди орқали XIX асрда кириб келди ва Марказий Осиё халқларини ранг тасвирга бўлган тушунча ва қарашларини мутлақо ўзгартирибгина қолмай, ранг тасвир мактабларини бизда ҳам ривож топишида туртки бўлди. Таълимотнинг икки йўналиши Академик ва Модернизм тўлиқ англаб етилмаган ҳолда муаммога айланмоқда. Шу ўринда бир савол туғилади, тасвирий санъат инсониятга нима учун керак? Испан санъатшуноси Хосе Миликуа таъкидлашича, 1936-1939 йилларда Испаниядаги фуқаролар урушида абстракт тасвирий санъати психофизик курул сифатида Кандинский, Васарелли, Клее, Иттон ва бошқа мусаввир асарларидан фойдаланилган. Мураккаб академик таълимдан фарқли ўларок, абстракт экспрессионистларнинг шиори ва онга таъсир формуласи қодаларидан, формализмдан ва биринчи ўринда жонлантирувчи соя-нур ва доктринёрлик форма қодаларидан воз кечмоқ бўлди. Абстракт санъат 1940-1950 йилларда ривож топиб, бу терминни эса 1929 йил Америкалик Алфред Барр рассом Кандинскийни илк ишларини характерлашда қўллаган. 1947 йилга келиб, Виллема де Кунингга ва Поллок асарлари «Абстракт экспрессионистик» терминини кенг ёйишга хизмат қилди. Шундай қилиб, П-жахон урушидан сўнг Америка Қўшма Штатлари бутун жаҳон маданият ва маънавият маркази номига сазовор бўлиш ғоясини илдам суришга бошлади. Ва Америкача озод фикр тарвақайлаган чегара билмас маданият тасвирий санъат орқали моҳирона сингдирила бошланди ва ЦРУ 1950-1967 йиллари маданият эркинлиги конгресси ниқоби остида Америкалик абстракт экспрессионист рассомлар оқимини ўз ҳомийлигига олиб, юқорида таъкидлаганимиздек маданият империясини тузишда фойдаланилди. Айнан Америка Қўшма Штатларида абстракт экспрессионизм кенг тарқалди ва бу йўналишда Жексон Поллок, Виллем де Кунинг, Франц Клайн, Марк Ротко, Филип Гастон, Роберт Мазервел каби абстрактционист рассомлар ижод қилишди. Абстрактционизм ва бу ном остида кенг тарқалган модернизм ёки

ёлгон санъат мактаблари бизга маълум замонавийликка даъвогарлик киладиган ваҳоланки, бу санъат буржуа замонавий маданиятини рухий тушқунлигинингина ифода этади. Шу маънода замонавий абстракция модернизмнинг энг салбий қирраси бўлиб, ҳаққоний тасвир ва у билан боғлиқ эстетик жараёни йўққа чиқаради. Бу санъатнинг кенг тарқалиши сабабларидан бири оддийлик салбий ҳасталикни ижодий шавк билан намоиш этишдир. бу мақоламизда санъат тарихидан гапириш ўринсиз бўлар эди, фақатгина абстракция ва Египит ёки Ўрта аср давр санъатлари ўртасидаги улкан фарқларга эътибор беришимиз лозим. Бизга маълум давр мусаввирлари томонидан яратилиб келинган асарлар ўзининг ҳаққонийлиги, чуқур фалсафий характери ва мусаввирнинг жўшқин, илиқ хоҳишларини аниқ предметлар орқали ифода этишгани ишончлироқдир. Ҳар қандай ҳолда ҳам ҳаққоний санъатда онгли равишда ақлдан воз кечиб, ўзини телбаликка солиш туғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Хатто, ўтган эстетик даврда намоён бўлган Лев Исабра ёки Доктор Карл Штад телбаликлари абстрак санъатидек сохта эмас эди. Албатта, абстрак санъатини вужудга келишини балким истисно тариқасида оқлаш мумкиндир, ўша давр ижтимоий зиддиятлари қудратли жанглар, катта шаҳарларнинг асабий ҳаёти ўз таъсирини ўтказмай қўймаган. Шу сабабдан абстракция невропатлар ижоди дейилиши ҳам бежиз эмас. Невропатия эса аср касаллиги. Агар санъатда зиддият, умидсизлик, тушқунлик ва инсон кайфиятида ташвишли ҳолларни вужудга келтирадиган оқимлар мавжуд экан, биз бундан бохабар бўлмоғимиз ва унга қарши ижобий таъсир ўтказмоғимиз лозим.